



TERRITORIAL STRUCTURE AND DEVELOPMENT CHARACTERISTICS OF FOOD PRODUCTION

¹ Madaminov Zafarjon Khudoyberdievich

¹ FSU teacher

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4727425>

ARTICLE INFO

Received: 25th April 2021

Accepted: 27th April 2021

Online: 29th April 2021

KEY WORDS

Regional resource,
non-food goods, food
products, light industry,
food industry, consumer
goods

ABSTRACT

This article analyzes the factors affecting food production and their regional composition.

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ҲУДУДИЙ ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

¹ Мадаминов Зафаржон Худойбердиевич

¹ ФДУ ўқитувчиси

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 25-aprel 2021

Ma'qullandi: 27-aprel 2021

Chop etildi: 29-aprel 2021

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришига таъсир қилувчи омиллар ва уларнинг ҳудудий таркиби таҳлил қилинган

KALIT SO'ZLAR

Ҳудудий ресурс, ноозиқ-овқат моллари, озиқ-овқат моллари, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, халқ истеъмол моллари

Республикада халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш саноатининг шаклланиши ва аҳолининг бу маҳсулотлар билан таъминланишида, мавжуд табиий географик шароит, демографик ва ижтимоий-иқтисодий омиллар муҳим рол ўйнайди.

Ўзбекистон Ўрта денгиз атрофидаги мамлакатлар билан деярли бир географик кенгликда жойлашган. Ўрта денгиз атрофидаги мамлакатлар субтропикка хос ландшафт билан тавсифланади. Лекин Ўзбекистон илиқ океан ва денгизлардан узокда, материк ичкарисида жойлашганлиги туфайли табиий шароити



жиҳатидан Ўрта денгиз атрофидаги давлатлардан бутунлай фарқ қилади. Чунки Ўзбекистон худудининг шимолий қисми очик бўлиб, қишда шимолдан ва шимоли- шарқдан эсувчи совуқ, қуруқ ҳаво оқими бемалол ички қисмиларга етиб келади. Аксинча жанубида баланд тоғларнинг мавжудлиги эса Ҳинд океанидан эсадиган нам ва илиқ ҳаво массаларини Ўзбекистон худудига ўтишига тўсқинлик қилади. Оқибатда Ўзбекистонда субтропикка хос бўлмаган ландшафт вужудга келиб, ёз булутсиз, серофтоб бўлиб, жазирама иссиқ, қуруқ киш эса шу географик кенглик учун анча совуқ бўлади. Бинобарин, Ўзбекистон субтропик иқлим минтақасида жойлашса- да, асосан чўлга хос бўлган ландшафт билан тавсифланади. Фақат атрофи тоғлар билан ўралган Сурхон-Шеробод водийсидагина қуруқ субтропик ландшафт мавжуд, холос[1].

Республикамиз ўрта кенгликларда океанлардан узоқда ва материкнинг ўртасида жойлашганлиги, рельефи, ер усти тузилиши ва яна бир қанча табиий географик омиллар мамлакатимизда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришида ўз таъсирини ўтказган. Чунки барча йил фасллари бизнинг худудимизда яққол сезилади.

Мамлакат аҳолисининг кўпгина қисми қишлоқ аҳоли пунктларида, экологик муаммолари унчалик кескин бўлмаган тоғ, тоғ ёнбағри, воҳа, водийларда яшаётганлиги экологик жиҳатдан тоза маҳсулотларни истеъмол қилишга имкон яратган. Бироқ айнан шундай худудлар ресурслар, табиий бойликлар негизида шаклланади, ривожланади[3].

Ўз навбатида ҳар бир фасл учун мос бўлган истеъмол молларини (асосан ноозиқ-овқат, қисман озиқ-овқат моллари)

ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Масалан қишнинг совуқ кунларида иссиқ кийим-кечак, пойафзал маҳсулотларига бўлган талаб йилнинг иссиқ даврларига қараганда кўп бўлиши табиий бир хол. Ёки ёз ойларида бундай маҳсулотларга умуман эҳтиёж сезилмаслиги ҳам мумкин. Бу даврларда совуқ кунларга нисбатан салқин ичимликлар, энгил кийим- бошга бўлган зарурат кўпроқ бўлади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш асосан энгил саноат ва озиқ-овқат саноати билан узвий боғланган. Аммо оғир саноатда ҳам халқ истеъмол молларининг бир қисми (музлатгич, совутгич, телевизор, кир ювиш машинаси ва бошқалар) ишлаб чиқарилади.

Халқ истеъмол молларинини ишлаб чиқариш энгил саноатда тикув ва трикотаж, пойафзал, газламалар ишлаб чиқаришдан ташкил топади. Бу маҳсулотлар қишлоқ хўжалик хом-ашёсидан эмас, балки унинг бирламчи қайта ишланишига асосланади.

Аксинча озиқ-овқат саноати маҳсулотлари: кўпчилиги (вино, консерва, пиво, гўшт, ун маҳсулотлари ва сут маҳсулотлари) тўғридан тўғри қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш билан боғлиқ. Шу боис ушбу тармоқнинг энергия ишлаб чиқариш циклидаги бўғинлари унча кўп эмас, яъни бу жараён “қишлоқ хўжалиги-енгил саноат”га қараганда қисқароқ[2].

Аммо шунга қарамай энгил ва озиқ-овқат саноатининг айрим тармоқлари ўртасида технологик алоқалар мавжуд. Масалан биргина пахта хом- ашёсидан ҳам энгил саноат маҳсулоти (хўжалик совуни, тола ва бошқа маҳсулотлар), ҳам энгил саноат маҳсулоти (ўсимлик ёғи) олиш мумкин.

Ўрганилаётган йиллар (2000-2019 йй.) давомида Республика саноатида халқ



истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг хиссаси 25(2005 йил)-44% (2000й) орасида ўзгарган.

Маъмурий бирликлар даражасида кўриш мумкинки ўрганилаётган йилларда Навоий ва Қашқадарё вилоятларида саноатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш улуши бошқа вилоятларга нисбатан паст бўлган (1-жадвал). Чунки бу икки вилоятда саноатнинг асосини оғир саноат (рангли металлургия, электр энергия ишлаб чиқариш, ёқилғи саноати) ташкил этади.

Саноатда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг энг юқори кўрсаткичлари Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларига тўғри келади. Ушбу вилоятлар саноатида халқ истеъмол

моллари ишлаб чиқаришнинг улуши 60%дан юқори бўлган.

Чунки ўтган йиллар давомида энгил саноатда туб ўзгаришлар юз бериб, гилам маҳсулотлари, трикотаж ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажми кўпайди. Аммо шунга қарамай шу йиллар давомида энгил саноатда ип-газлама, жун-газлама ишлаб чиқариш миқдори кескин камайди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришда ноозик-овқат маҳсулотлари улушининг ортишига озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг камайиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Чунончи ўтган йиллар давомида нон ва нон маҳсулотлари, консерва, мева сабзавот консервалари ишлаб чиқариш кескин камайди.

1-жадвал

Ўзбекистон саноатида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг улуши (%х-да)

Йил	Саноат таркибида ХИМ улуши	Вилоятлар
2000 й	0<25	Навоий, Сирдарё
	25-50	Жиззах, Қашқадарё, Тошкент в, Фарғона
	50<100	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент шаҳри
2005 й	0<25	Қорақалпоғистон, Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилояти,
	25-50	Бухоро, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Тошкент шаҳри
	50<100	Андижон, Самарқанд
2010 й	0<25	Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилояти
	25-50	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Тошкент шаҳри
	50<100	Андижон, Наманган, Самарқанд, Хоразм
2015 й	0<25	Қашқадарё, Навоий
	25-50	Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри
	50<100	Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Хоразм
2019 й	0<25	Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилояти
	25-50	Бухоро, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона, Тошкент шаҳри
	50<100	Андижон, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Хоразм

Манба: Жадвал Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди



Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг асосини озиқ-овқат, ноозик-овқат ва вино-ароқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ташкил этади. 2000-2019 йиллар оралиғида Республикамизда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш таркибида озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришнинг улуши 46,93% дан (2000 й) 28,8 %га (2019 й) тушиб қолган. Бу оралиқ йилларда ноозик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 45,77 %дан 68,87 %га кўтарилганлигини айтиш керак.

Бундай ички ўзгаришлар вилоятлар орасида ҳам кузатилган. 2000 йилда Қорақалпоғистон Республикаси (82,39%),

Жиззах (80,51%), Қашқадарё (60,58%), Наманган (55,08%), Сурхондарё (79,54%), Сирдарё(84,01%), Хоразм (73,79%) вилоятларида халқ истеъмол моллари таркибида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши юқори бўлган бўлса, 2019 йилга келиб фақатгина Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё вилоятларидагина халқ истеъмол моллари таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш етакчи улушга эга бўлган. Қолган барча вилоятларда ноозик-овқат моллари ишлаб чиқариш етакчи тармоққа айланган.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Баратов.П Ўзбекистон табиий географияси. Тошкент, 1996.5-6 б.
- 2.Солиев А.С, Абдуназаров Х. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг минтақавий муаммолари. Т.:Фан, 2007.-16 б
- 3.Тожиева З.Н. Ўзбекистон Республикасида демографик жараёнлар ва уларнинг худудий хусусиятлари// геог.фан.док. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т.; 2017 й. 192-б, 225-б